

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
“Олий маълумотли тиббиёт хамширалари” кафедраси

*Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19да
инфекцион назорат ва дезинфекция, утилизация
ишларини ташкил этиш*

ТОШКЕНТ 2020

Даволаш профилактика муассасаларида муассасаларида COVID-19 инфекциясини олдини олишда дезинфекция ишларини олиб бориш тартиби

- ❑ **Дезинфекция** (юқумсизлантириш) – юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмлар (бактриялар, вируслар ва бошқа) ни йўқ қилиш тадбирларини ўз ичига олади.
- ❑ Профилактик, кундалик, якунловчи дезинфекция турлари бўлади. Дезинфекцияда механик, физик ва кимёвий воситалар қўлланилади.
- ❑ Кимёвий воситаларга кислоталар, ишкорлар, хлорли оҳак, хлорамин, фенол, крезоллар (лизол, натализол), формалин, сулема ва бошқа(лар) моддалар киради.
- ❑ Касаллик турига қараб дезинфекция чора-тадбирлари ўзига хос тартиб асосида ўтказилади.

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясини олдини олишда дезинфекция ишларини олиб бориш тартиби

- Даволаш профилактика муассасаларида коронавирус инфекцияси билан курашиш мақсадида профилактик ва ўчоқлардаги (жорий ва якуний) дезинфекция ишлари олиб борилади.
- Дезинфекция тадбирларини олиб боришда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган фойдаланишга рухсат берилган дезинфекцияловчи воситалардан ўрнатилган тартибда фойдаланилади.

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясини олдини олишда дезинфекция ишларини олиб бориш тартиби

Дезинфекция ўтказиш учун турли кимёвий гуруҳ воситалари қўлланилади:

- ✓ Хлорсақловчи дезинфектантлар;
- ✓ Фаол - кислород (водорода перекиси) бирикмалари;
- ✓ Тўртламчи аммоний бирикмалари

Дезинфекцияловчи воситаларнинг ишчи эритмалари йўриқномага қаттиян риоя қилинган ҳолда тайёрланади.

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясини олдини олишда тозалаш ва дезинфекция тадбирлари

Полларни ва деворларни дезинфекция қилиш

- Дезинфекция қилишдан олдин кўзга кўринган ифлосланишлардан тозаланилади
- Пол ва деворлар таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситалари билан 1000 мг/л миқдорида ювиш, сепиш ёки артиш ёрдамида дезинфекция қилинади
- Дезинфекция ишларидан кейин 30 минут экспозиция қилинади
- Дезинфекция ишлари кунига 3 марта ва ифлосланиш даражасига қараб олиб борилади



Даволаш профилактика муассасаларида ишчи юзаларни дезинфекция қилиш.

- Дезинфекция қилишдан олдин кўзга кўринган ифлосланишлардан тозаланилади.
- Хона юзаларида зарарсизлантириш ишлари эса уларни қон ва организмнинг бошқа биологик суюқликларини тозалаш режимида ўтказилиши керак;
- Ишчи юзалар таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситалари билан 1000 мг/л миқдорида ёки салфетка ёрдамида артилади.
- 30 дақиқа экспозициядан кейин ишчи юзалар тоза сувда ювилади.
- Дезинфекция ишлари кунига 3 марта ўтказилади.
- Ифлосланиш даражасига қараб, дезинфекция ишлари такрорий олиб борилади.

Даволаш профилактика муассасаларида хона ҳавосини дезинфекция қилиш

- Хона ҳавосини дезинфекция қилиш учун плазмали ҳаво стерилизаторлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида одамлар бўлганда ҳам фойдаланиш мумкин;
- Плазмали ҳаво стерилизаторлари бўлмаганда ультрафиолет лампалардан фойдаланилади.
(ҳавони 1 марта зарарсизлантириш вақти – 1 соат)
- Ушбу муолажалар кунига 3 марта ўтказилади.



Даволаш профилактика муассасаларида оқова сувларни зарарсизлантириш

- Суюқ чиқиндилар оқова сув тизимида юборилишидан олдин, улар таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситаси ёрдамида зарарсизлантирилади.
- Оқова сувлар ва нажасни бирламчи зарарсизлантириш учун дезинфекция воситасининг хлор активлиги 40 мг/л ни ташкил этиши керак.
- Дезинфекция қилинган оқова сувларда қолдиқ хлорнинг умумий концентрацияси 10 мг/л.дан кам бўлмаслиги керак.



Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида зарарланган текстил (тўқилган) материалларни дезинфекция қилиш.

Беморларга ишлатилган чойшабларни йиғиштириш тартиби

- Контаминацияни олдини олиш учун чойшабларни иложи борича эҳтиёткорлик билан силкитмасдан йиғиштириш керак
- Ифлосланган чойшабларни хонадан чиқармасдан, дарҳол пакетларга/бакларга солинади;
- Агар чойшаблар кучли ифлосланган бўлса:
 - ✓ Асосий ифлосланган жойини (масалан, нажас, қусуқ массалари) қўлқоп кийган ҳолда текис қаттиқ инвентарь ёрдамида олинади;
 - ✓ Қаттиқ биологик чиқиндиларни ҳожатхонага, ишлатилган салфеткани эса чиқинди бакига ташланади;

Ишлатилган ёки ифлосланган чойшаблар билан ишлаганда ШХВларидан фойдаланинг!!!

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида зарарланган текстил (тўқилган) материалларни йиғиш усуллари

- Зарарланган текстил материаллари пакетларга жойлаштирилади ва зич ёпилади;
- Кейин ушбу пакетни бошқа полиэтилен пакетга жойлаштирилади ва пакетни S-шаклида яна зич ёпилади;
- Ушбу полиэтилен пакетни сариқ рангдаги қопга жойлаштирилади ва зич ёпилади;
- Сариқ рангдаги қопга бўлим ва инфицирланган текстил материал номи ёзилган махсус этикетка ёпиштирилади;
- Қопни кирхонага жўнатилади



Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида зарарланган текстил (тўқилган) материалларни сақлаш ва ювиш

- COVID-19 билан зарарланган текстил материаллар бошқа материаллардан ажратилади
- Алоҳида махсус ажратилган кир ювиш машинасида ювилади
- Ушбу материалларни ювилгандан сўнг, таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситасида 90°C сувда 30 дақиқа давомида дезинфекция қилинади



Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида зарарланган материалларни ташиш воситаларини дезинфекция қилиш.

- Зарарланган материалларни ташиш учун махсус ташиш воситалардан фойдаланилади.
- Ушбу ташиш воситалари ҳар бир зарарланган текстил материалларни кирхонага ташилгандан кейин зудлик билан дезинфекция қилиниши керак
- Ташиш воситалари таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситаси ёрдамида (1000 мг/л концентрацияли) артилади
- Дезинфекция воситаси 30 дақиқа экспозициядан кейин тоза сув билан ювилади ва қуритилади.




Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида биологик суюқликларни зарарсизлантириш.

- Кам ҳажмда тўкилган (<10 мл) қон ва бошқа биологик суюқликларн 2 усулда зарарсизлантириш:
- ✓ 1-усул: Тўкилган суюқлик таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситаси шимдирилган салфетка (автивлиги 5000 мг/л) билан ёпилади ва эҳтиёткорлик билан олиб ташланади. Хлор сақловчи дезинфекция воситаси (автивлиги 500 мг/л) ёрдамида артилади.
- ✓ 2- усул: Тўкилган суюқлик таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситаси (автивлиги 5000 мг/л) бир маротабалик шимувчан материал (дока, салфетка) ёрдамида тозаланади;



Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида биологик суюқликларни зарарсизлантириш

Катта ҳажмдаги суюқликларни зарарсизлантириш



Вариант 1

Тўкилган суюқлик устига
шимувчан сочиқ ёрдамида 30
минутга ёпиш билан
йиғилади, кейин ушбу юза
ифлосланган моддадан
тозаланади.



Вариант 2

Тўкилган суюқлик хлор сақловчи
дезинфекция воситаси (5000
мг/актив восита) билан
намланган бир маротабалик
материал (дока, салфетка ва ҳ.)
билан яхшилаб артилади.

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида биологик суюқликларни зарарсизлантириш

Нажас, қусуқ массалари ва ажратмаларни зарарсизлантириш

- Биологик материаллар махсус контейнерларга йиғилади ва 20 000 мг/л концентрацияли хлор сақловчи дезинфекция воситаси ёрдамида 2 соат давомида зарарсизлантирилади, бунда тўкилган суюқлик ва дезинфекция воситаси 1:2 нисбатда бўлиши керак.
- Тўкилган суюқлик тозалангандан сўнг, юза дезинфекция қилинади.



Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясида биологик суюқликларни зарарсизлантириш

Контейнерларни зарарсизлантириш



Ифлосланган материаллар солинган контейнерлар 5000 мг/л концентрацияли хлор сақловчи дезинфекция воситасида 30 минут давомида зарарсизлантирилади ва кейин бўшатилади

Даволаш профилактика муассасаларида COVID-19 инфекциясини олдини олишда утилизация ишларини ташкил этиш

Тиббиёт чиқиндилари билан ишлаш тизимини ташкил этишга қўйиладиган талаблар

- ✓ Тиббиёт фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар ичида чиқиндиларни йиғиш;
- ✓ Чиқиндиларни бўлинмалардан ташкилот ҳудудида жойлашган чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойларига ташиш ва сақлаш;
- ✓ Зарарсизлантириш, чиқиндиларни дезактивация қилиш;
- ✓ Зарасизлантирилган тиббиёт чиқиндиларини тугал утилизация қилиш.
- ✓ Турли синфга тааллуқли чиқиндиларни битта идишга аралаштириб солиш мумкин эмас.

COVID-19 да тиббий чиқиндиларнинг утилизация қилиш муаммолари

- COVID-19 пандемияси бутун дунёда тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш муаммосини келтириб чиқарди:
- Уханда биринчи марта коронавирус инфекцияси юзага келганда давлат томонидан шифохоналар учун тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш учун қўшимча завод ва 46 та мобиль оқова сув станциялари қурилган;
- Ухандаги COVID-19 билан даволанаётган шифохоналардан бошқа шифохоналарга қапраганда 6 марта кўп тиббий чиқиндилар ҳосил бўлган;
- Ушбу шифохоналарда ҳосил бўлган тиббий чиқиндилар 240 тоннани ташкил этган.



Тиббий чиқиндиларни таснифлаш

«Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида
йиғиш, сақлаш ва утилизация қилиш санитария қоида ва меъёрлари»
(СанҚваМ 0317-15)

Тиббий чиқиндилар эпидемиологик, токсикологик ва радиацион хавфлар даражасига, шунингдек уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирига қараб хавфлилигининг бешта синфига бўлинади:

- **А-синф** – Хавфсиз чиқиндилар
- **Б-синф** - Хавфли чиқиндилар (тахдид солувчи)
- **В-синф** – Фавқулодда хавфли чиқиндилар
- **Г-синф** - Таркибий жихатдан саноат чиқиндиларига яқин чиқиндилар
- **Д-синф** - Радиактив чиқиндилар

Тиббий чиқиндиларни таснифлаш

Тиббий чиқиндилари учун пакетлар синфлари

- *А синф* - оқ рангдаги пакетлар
- *Б синф* - сариқ рангдаги пакетлар
- *В синф* - тўқ сариқ рангдаги пакетлар
- *Г синф* - қора рангдаги пакетлар
- *Д синф* - жигар ранг пакетлар



Инфекцияга гумон қилинган ва тасдиқланган беморлардан ҳосил бўлган барча чиқиндиларни тиббий чиқиндилар сифатида утилизация қилиниши керак!

Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш



Иш давомида ишлатилган буюмлар утилизация қилиш учун мўлжалланган икки қаватли пакетларга солинади ва тиббий чиқинди сифатида утилизация қилинади.



Йиғилган ифлосланган моддалар тиббий чиқиндилар сифатида утилизация қилинади.

Даволаш профилактика муассасаларида тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш



Тиббий чиқиндилар икки қаватли пакетларга жойлаштирилади, пакетни зич ёпиб, 0,5%ли хлор сақловчи дезинфекция воситаси сепилади



Ўткир чиқиндиларни махсус пластик контейнерларга (иглоотсекатель) жойлаштирилади ва 0,5%ли хлор сақловчи дезинфекция воситаси сепилади



Қадоқланган чиқиндиларни контейнерларга жойлаштирилади ва контейнерни ёпиб, махсус ажратилган жойга транспортировка қилинади

Чиқиндиларни якуний утилизацияси

Тиббий чиқиндилар белгиланган маршрут ва вақтда тиббий чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойига транспортировка қилинади.



Тиббий чиқиндилар белгиланган жойда алоҳида сақланиши керак



Тиббий чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш махсус ташкилот томонидан амалга оширилади.



Дезинфекция тадбирлари вақтида тиббиёт ходимларини ўз химоясини таъминлаши

- Шахсий химоя воситаларидан (респиратор, қўлқоп, махсус кийим, кўзойнак ва ҳоказо,) фойдаланган ҳолда ўзини химоясини таъминлаш.
- Бутунлиги бузилган ва механик шикастланган ҳолларда шахсий химоя воситаларини (ШХВ) алмаштириш керак.
- Ходимлар ШХВни аввайлаб ишлатиши лозим.
- Тозалаш ва дезинфекция ишларини шахсий химоя воситаларида (респиратор, қўлқоплар, махсус кийимлар, кўзойнаклар ва бошқалар) ўз вақтида амалга ошириш.
- Ҳар бир дезинфекция ва тозалашдан кейин қўлқопларни алмаштириш ва қўлларни совунлаб иссиқ сувда ювиш керак.



Эътиборингиз учун рахмат